



ТОШКЕНТ ОҚШОМЖИ

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи Жон Байерли раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашувда АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида сўз борди, минтақавий хавфсизлик масалаларида кўп эътибор қаратилди.
- АҚШ Давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи Жон Байерли Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитасига умумий қиймати юз минг долларга тенг қирқ донда тунда кўриш мосламасини тақдим этди.
- Кеча пойтахтимизда «Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноатининг истиқболлари» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди.
- Фарғонада таълим жараёнида ижодий тафаккурни ривожлантириш масалаларига бағишланган аънанавий «Ўзбек тили» анжумани ўтказилди.
- Урганчада «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий кўмитаси ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- Нуробод туманида «Тумарис» фестивалининг вилоят босқичи ўтказилди.
- Наманган Давлат университетида «Магистратура: тажриба, муаммолар» мавзuida илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.
- Фарғона шаҳрида республика Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан ташкил этилган «Амир Темурутқул» ҳарбий-спорт мусобақалари яқунлади.
- Ўзбекистон тиббиёт олий ўқув юртилари ректорлари кенгаши ташаббуси билан методик ишланмалар ва ўқув технологиялари маркази ташкил этилди.
- Қорақалпоғистондаги қозоқ миллий маркази қошида ташкил этилган «Бескала» қозоқ халқ театри XXI асрдаги дастлабки мавсумини «Султон Жалолиддин» спектакли билан бошлади.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ♦ № 48 (9.545) 2001 йил 25 апрель, чоршанба ♦ Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



Ярмарка иш бошлади

Хабар берганимиздек, шаҳримиздаги мухташам «Ўзқўрғазмасавдо» мажмуида

БҒУН аънанавий «Бешинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркаси» ўз ишینی бошлади.

Ярмаркани Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов очди. Пойтахт ҳокимлиги, Давлат мулк кўмитаси шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташкилотчи бўлган, тўрт кун давом этадиган ушбу ярмаркада барча қорхоналар вакиллари ўз маҳсулотларини кенг тарғиб этиш имкониятига эга бўлиб, унда бу йил 200 тандан ортиқ ҳар хил мулк шаклидаги, яъни қўшма ва чет эл қорхоналари, хиссадорлик жамиятлари, ху-



сусий фирма ва кичик қорхоналар, масъулияти чекланган жамиятлари иштирок этишмоқда. Улар ярмарка давомида ишлаб чиқаришнинг энг сўнги ютуқларини намойиш



этиб, ички ва ташқи бозорда муносиб ўрин эгалловчи рақобатбардор, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулотларини тақдир этишди. Шунингдек, ярмарка пойтахтимизда кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликнинг ривожига ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Ҳар бир иштирокчи қорхоналарнинг кўрғазмага қўйган маҳсулотларидан шу нарса аёни, улар бу ерга катта умидлар, режалар билан келган. Уларнинг ҳар бири бугунги бозор иқтисодиёти шарафига ўз ўрни ва истеъмоличисини топиш ниятида, шунингдек чет эллик шериклар билан ҳамкорлик ҳам қўзда тутилган.

Бугун бошланган ярмарка, шубҳасиз ҳар бир иштирокчи қорхонанинг истиқболига, мамлакатимиз иқтисодиётига қўшадиган улushiда муҳим аҳамият касб этади.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: «Бешинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркаси»да.

Сергей Любич олган суратлар

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

Коммунал хизматни такомиллаштириш — давр талаби

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида аҳолига коммунал хизмати кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш, хизматлар сифатини ошириш айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда сув, газ каби табиий ресурслардан тежаб-терғаб фойдаланиш, уй-жой мулкдорлари ширкатларини тузиш ишларини талаб даражасида амалга ошириш энг муҳим вазифалар сирасига кирилади. Ушбу долзарб масала давлатимиз ва ҳукуматимизнинг доимий диққат-эътиборидадир. Хусусан коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида Президентимизнинг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармони ва шунга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори чиқди.

КЕЧА Тошкент шаҳар ҳокимлигида туманлар ҳокимлари, маҳаллалар оқсоқоллари, коммунал хўжалик билан боғлиқ ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш ҳам Республикаимиз Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қароридан келиб чиқадиган вазифаларини ҳаётга тадбиқ этиш орқали уларнинг ижросини таъминлаш, шаҳар коммунал хўжалиги соҳасидаги мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари масалаларига бағишланди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов олиб борди ва коммунал хизмат кўрсатиш борасида бугунги кунда олимизда турган энг муҳим вазифалар ва ечимини кутаятган муаммолар тўғрисида тўхтади. Ҳозирда уй-жойлардан фойдаланиш, коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари, ижара қорхоналари тизимидан янги уй-жой мулкдорлари ширкатлари тизимига ўтишни янада жаддалаштириш лозим. Бунинг учун биринчи навбатда асосий йўналишларда ишларимизни ташкил этишимиз керак бўлади.

Маълумки, ҳозирги кунда шаҳримизда 9280 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, уларнинг 51 фоизини қамраган ҳолда 276 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари тузилган. Йилнинг иккинчи чораги давомида барча кўп қаватли уйлар неғизда шундай ширкатлар тузилишини ниҳоятга етказиш зарур.

Ширкатлар тизимига ўтилгандан кейин ижара қорхоналари ва коммунал фойдаланиш бошқармаларининг йўналишлари ўзгарди. Ҳозирда шу механизм устида ишланмоқда.

Коммунал хизматлар учун тушумларнинг

ҚИССА

БҒУН Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши ташаббуси билан «Конституция: ҳуқуқ ва қасаба уюшмалари» мавзuida илмий-амалий анжуман ўтказилди.

БШ авлод онгига миллий қадриятларимиз аънаналарини чуқур сингдириш, ота-боболаримиз тарихини мукаммал ўргатиш давр талабидир. Утган кун Солиқ коллежиди «Авлодларимиз ибрати — авлодларимиз зийнати» мавзuida анжуманда иштирок этган талабаларга тарих ўқитувчилари юртимиз довуғини оламга ёйган бобомиз Амир Темурутқулнинг авлодлари амалга оширган хайрли ишлар ҳақида ҳикоя қилиб беришди.

КЕЧА шаҳримиз маҳаллаларидаги етакчи авлод иштирокчида Фаол авлод маркази ташаббуси билан ўтказилган «Авлод ҳуқуқлари» деб номланган тренинг-семинар ўз ишینی яқунлади.

БҒУН Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғи меҳраг ташна инсонларни ўз бағрига чорлади. Тошкент шаҳар ўзaro ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар Савдо департаменти ҳомийлиги остида кўнгили хордиқ чикариш мақсадида боғга ташриф буюрган бу инсонлар учун дастурхон тузалди, дошқозонларда ош дамланди. Энг қувончлиси барча аттракцион болаларга бепул хизмат кўрсатади.

БАДИЙ Академиянинг Кўрғазмалар залида ўтган кун «Инсон ва ер» деб номланган кўрғазма намоишида асосан ижодкор рассомларнинг заминимиз ғўзаллиги ва табиатнинг жозибаси ҳақида ҳикоя қилувчи асарлари ўрин олган. Айниқса, иқтидорли мўйқалам соҳиби Акмал Нурнинг мўйқаламига мансуб асарлар санъат илосмондарида катта таассурот қолдириди.

КЕЧА Ҳамза туманида қизлар клуби иш бошлади. «Нафосат» деб ном олган бу — маданият ўчоғи Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси савб-ҳаракати билан ташкил топди.

ТОШКЕНТ Давлат Архитектура институтида «Соғлом ёшлар — юртимиз келажаги» мавзuida талабалар иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда иштирок этган Тошкент шаҳар прокуратураси ходимлари вояга етмаган ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятчиликнинг салбий оқибатлари ҳақида йиғилиш қатнашчиларига сўзлаб беришди.


БҒУН Юнусобод туман ҳокимлиги ҳамда туман Мазнавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида Тошкент Педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейда «Ёшлар тарбиясига тивъандлик, ҳуқуқбузарлик ва ақидаларистлик иллатларининг салбий таъсири» мавзuida туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида ўтлар муаммолари ҳақида атрофлича фикр юритилди.

БҒУН «Алгоритм» акционерлик жамиятида Чилонзор туман ҳокимлиги, туман Мазнавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида истиқлолнинг 10 йиллигига бағишланган «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунича ва тамойиллар» мавзuida илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Инсон хотираси муқаддас, қадри — азиз

Президентимизнинг Фармонига кўра мамлакатимизда 9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ миқёсида кенг нишонланмоқда. Дарҳақиқат, юртимизда инсон хотираси муқаддас, қадри эса азиз эканлигини ҳар биримиз чин дилдан ҳис этиб турибмиз. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан бу йилги 9 Май — Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича белгиланган тадбирлар режаси ҳам юқорида айтиб ўтилган фикрларимиз исботидир.



Бу йил ҳам 9 Май — Хотира ва Қадрлаш кунининг умумхалқ миқёсида нишонланишини таъминлаш юқорида айтиб ўтилган тадбирлар режасида ўзининг тўла ақсини топган. Шу ишга мутасадди бўлган шаҳар ишчи гуруҳи, туман ҳокимликлари, шаҳар ҳокимлигининг турли бош бошқарма ва бошқармалари, хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний», «Маҳалла» хайрия жамғармалари, Мазнавият ва маърифат марказининг шаҳар бўлимлари, ҳомий ташкилотлар, «Тасвирий ойна» уюшмаси шаҳар бўлимлари, «Шаҳидлар хотираси» жамғармаси, шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши ва бошқа ташкилотлар зиммасига Хотира ва Қадрлаш кунини хенг нишонлаш юзасидан аниқ вазифалар юклатилган. Жумладан, барча туманларда, маҳаллаларда, ўқув юртиларида, маданият муассасаларида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган махсус кўрғазмалар, иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, қатғон қурбонлари қариндош-уруғлари билан маҳалла аҳли, ёшлар учрашувлари ташкил этилади, маърифий-бадиий кечалар ўтказилади. Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган барча иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ҳамда Ватанимиз мустақиллиги ва шаънини ҳимоя қилганларга иззат-иқром кўрсатилади, Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшаётган барча кишилар муносиб қадрланади.

Инсон хотираси — муқаддас, дедик. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан пойтахтимиз марказидаги Хотира майдонидида Мотамсаро она ҳайкали пойга гулчамбарлар қўйилди, шаҳар жамоатчилиги вакиллари, ўқувчи-ёшлар томонидан Хотира майдони ва «Шаҳидлар хотираси» хиёбони зиёрат этилади. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, меҳнат фахрийлари учун сўхаттош ва дам олиш масканларига имтиёзли йўлланмалар ажратилади.

Шуни айтиш керакки, пойтахтимиз Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ўтказиладиган сайиллар ва тадбирларга муносиб равишда безатилади. Шаҳар ва туманларнинг марказий кўчалари, майдонлари безатилиб, ободонлаштирилади. Хотира ва Қадрлаш куни арафасида шаҳардаги барча қабристонларда кенг қўламдаги ободонлаштириш ишлари бажарилади. Ўзбекистон Бадиий академияси Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Кўрғазмалар залида ушбу кунга бағишланган кўрғазма ташкил этади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмолат моллари ишлаб чиқариш департаменти Хотира ва Қадрлаш байрами ўтадиган жойларда ширинликлар ва чанқовбосди ичмликлар савдосини ҳамда умумовқатланган шохобчаларини ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда Тошкент шаҳрида 9 Май — Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича белгиланган тадбирлар режасида минглаб уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишдек олижаноб мақсадлар ўз ифодасини топган.

Футбол: Жаҳон чемпионати — 2002

Терма жамоамизнинг умидбахш ғалабаси



Марказий «Пахтакор» стадиони анчадан бери мухлислар билан буналиқ тўлмаган ва байрамона тус олмаган эди. Утган кун 2002 йилги жаҳон чемпионати саралаш туринининг дастлабки баҳсида терма жамоамизни қўллаб-қувватлаш ниятида асл футбол ишқибозлари стадионини тўлдирдишди. Том маънода байрамона руҳ сурган стадионда «Шаҳзода», «Хўжа», «Ситора», «Фирдавс» гуруҳлари, эстрада юлдузларининг қувноқ чиқишлари, шўх рақслар мухлисларнинг кайфиятини янада кўтарди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Туркменистон, Хитой Тайпейи ва Йордания футболчиларини самимий кутгаймиз, — деди жумладан саралаш туринининг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов. — Футболчиларимиз мазкур жамоалар билан футбол бўйича 2002 йилги жаҳон чемпионатининг кейинги босқичига ўтиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун кураш олиб боради. Ўзбекистон Мустақилли-

гининг 10 йиллиги арафасида мамлакатимизга ташриф буюрган футбол байрамимиз иштирокчиси ва гувоҳи бўлиб турганимиздан бахтиёрмиз.

Давлатимиз раҳбарининг жиддий эътибори туфайли жисмоний тарбия ва спорт оммалашиб бораётган юртимизда футбол энг оммавий ва сеvimли спорт тури ҳисобланади. Миллионлаб футбол мухлислари Ўзбекистон заминида бўладиган ёрқин футбол учрашувларидан унутилмас таассурот олади, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Баҳодир Махситов ҳам юртдошларимиз ва маҳмонларини улкан футбол байрами билан қутлаган ҳолда ўз дил сўзларини қуйидагича баён этди: — 2002 йилда Жанубий Корея ва Японияда яқун ясаладиган футбол бўйича жаҳон чемпионати бизнинг юртимизда даст берилган айниқса, қувончлидир. — Саралаш ўйинлари иштирокчилари мустақил Ўзбекистон эришган ютуқларга ишонч ҳосил қилади, шунингдек, спорт байрамини

юқори савияда ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрган ўзбек халқининг меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлади, деб ўйлаймиз.

Беллашувни қучли тарҳида бошлаган футболчиларимиз ҳужумкор руҳда тўп суришди — энг мохир ҳужумчи-миз Жабфар Ирисметов чиройли зарба билан учинчи дақиқадаги ҳисобни очди. Сўнг эса стадионга йиғилган мух-



лислар ва ойнаи жаҳон орқали беллашувни диққат билан кузатаётган ишқибозлар ажойиб голлар гулдастасидан баҳраманд бўлишди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон - Хитой Тайпейи худудий жамоаси ўртасидаги баҳс ҳамюртларимизнинг 7:0 ҳисобидидаги йирик ғалабаси билан тугади.

МХСК стадионида ўтказилган ўйинда Туркменистон футболчилари йорданияликларни 2:0 ҳисобида енгитди.

БҒУН мамлакатимиз терма жамоаси футболчилари «Пахтакор» стадионида гуруҳдаги энг қучли рақиб — Туркменистон чарм тўп усталари билан беллашадилар. МХСК стадионида эса Хитой Тайпейи — Йордания футболчиларининг учрашуви ўтказилди.

Даврон ИСАЕВ
СУРАТДА: Осиё китъаси 7-гуруҳ саралаш мусобақаларининг Ўзбекистон — Хитой Тайпейи беллашувидан лавҳа.

Президентимизнинг идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида сўзлаган нутқида мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий методологик ва ташкилий тамойиллари аниқ белгилаб берилди. Жумладан, макроиқтисодиёт соҳасида қандай ўзгаришлар лозимлиги ва нисбатларга эътиборни қаратиш кераклиги ўқтирилди.

Эндиги масала иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусий секторни рағбатлантиришга асосланган, аввало ҳар бир соҳа бўйича, унинг асосида эса умумиқтисодиёт комплекси учун илмий асосланган стратегик йўллар ва усуллар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилмоғи керак. Бошқача айтганда ҳар бир корхона ва соҳа раҳбари ўзи раҳбарлик қилаётган жамоа ва халқнинг келажаги ҳақида ўйлаб кўриши, аниқ ҳаракат режасини ишлаб чиқиши, бир йилдан сўнг, беш йилдан сўнг ва келажақда иқтисодиётни нисбатан кўраётганини кўра билиши керак. Агар шундай даражада билими етарли бўлмаса вақтида хулоса чиқара олмайдди. Зеро, вақт кўтиб турмайди — бозор иқтисодиёти тез ривожланиши билан бирга хатоларни асло кечирмайди. Жумладан қишлоқ ҳўжалик машинала-

муддат ичида бир неча миллиард сўм маблағ йиғилди. Ёки уй-жой қурилиши банкни олиниб, қурилиши режалаштирилган уйнинг асосий маблағи буюртмачи томонидан тўланмоқда. Афсуски, бундай мисолларни қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги корхоналари иш фаолиятдан келтириш қийин.

Албатта, ички инвестициялар излаб топилган аввало ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати жуда юқори ва инвестор ўз маблағини ортгани билан қайтиб келишига ишончи бўлиши керак. Эҳтимол қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги корхоналарининг энг нозик ери ҳам шундадир. Чунки азалдан, очик айтиш керакки, бундай маҳсулотларнинг сифати етарли бўлмаган. Бунга кўп жиҳатдан соҳадаги монопол шароит ва рақобатнинг мавжуд эмаслиги сабаб эди.

Шу нуқтаи назардан нима учун хусусий инвестиция фонллари (ХИФлар) қутилган натижани бермаётганини изоҳлаб бериш ҳам мумкин. Бунда бир томондан инвестиция фонллари кишилар кимга ва нима учун маблағ қўяётганлари номаълум бўлса, иккинчи томондан бу фондлардан маблағ олувчи корхоналар ҳам ўз номларининг оғури ва маҳсулотларининг сифати учун жон куйдириб курашмайдилар. Яъни бундай фондларда социалистик умумийлик руҳи ҳукм сураверди.

Хусусийлаштиришнинг яна бир босқичи сифатида Республика Давлат мулк қўмитаси ўтган йилдан бошлаб корхоналарнинг давлат улусидаги акцияларини танлов асосида физик ёки юридик шахсларга бошқариш учун топширишни бошлади. Бу тадбир тўғри ташкил этилса ўз самарасини беради, албатта. Лекин афсуски кўпгина машинасозлик заводлари ушбу рўйхатга ҳали ҳам киритилмай қолмоқда.

Машинасозлик заводларини хусусийлаштиришнинг юқоридаги ва бошқа усулларини ишлаб чиқиш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардандир. Чунки айна катта-катта машинасозлик заводларининг бу соҳада анча ортда қолаётгани кўриниб қолмоқда. Шунинг учун иқтисодиёт ривожини илмий прогнозлаш усулларидан фойдаланиш нафақат умумиқтисодиёт комплекси миқёсида, балки айрим корхоналар миқёсида ҳам жуда катта иқтисодий самара беришини ҳисобга олиш керак. Президент таклиф этган Бирлашган ҳайъатни тузиш ва унинг иш тажрибасини нафақат Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги миқёсида, балки айрим корхоналар миқёсида ҳам қўллаш мамлакат иқтисодиётини илмий ривожлантиришга асос бўла олади.

Президентимиз кўрсатиб берган умумиқтисодиёт комплексини ривожлантириш тамойилларини амалга оширишимиз бизга яқин келажақда машинасозликнинг кўпгина соҳаларида дунёдаги энг илғор мамлакатлар сафидан жой олиш имконини беради. Мамлакатимиз нафақат хом ашё ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини, балки дунёдаги энг замонавий қишлоқ ҳўжалик машиналари, техника ва технологияларини ҳам экспорт қилувчи мамлакатга айланади. **Муҳаммадзаҳро ИСМОИЛОВ,** Тошкент Давлат техника университети профессори.



Шаҳримизда ўтказилган «Ташаббус-2001» кўрик-танловда туманларнинг энг яхши тадбиркор ва моҳир хўнарамдлари ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни намойиш этишди. Бу маҳсулотлар кўпчилигининг эътиборини қозонди. **СУРАТДА:** танловга қўйилган хўнарамдчилик маҳсулотлари. **Сергей Любич олган сурат.**

ҲАМКОРЛИК

Нурхоналарга мукаммал техникалар

Тошкент РЭСнинг бир маромада ишлаб туришини таъминлашда Украинадаги «Турбоатом» хиссадорлик жамиятининг ҳам хиссаси бор. Украинанинг Харьков вилоятида жойлашган бу йirik корхона ўз маҳсулотлари билан чет мамлакатларда ҳам яхши танилган. «Турбоатом»нинг нурхоналарга етказиб бераётган қурилмалари ўз сифати ва мустаҳкамлиги билан ажралаб туради. Корхона турбиналари мана 30 йилдирки Ўзбекистон ГРЭСларида ҳам узлуksиз ишлаб келмоқда. Уларнинг аксарияти кейинги ўн йил ичида бир маротаба туб таъмирдан чиқди.

Шу сабабли ҳам бу корхона маҳсулотларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Турбиналар билан нурхоналарни таъминлаш бўйича яқинда ўтказилган халқаро тендерда «Турбоатом» хиссадорлик корхонаси ғолиб чиқди. Шу муносабат билан Ўзбекистон билан ҳам ҳамкорлик шартномаси тузилди. 2010 йилгача бўлган муддатга мўлжалланган бу ўзаро келишувга биноан украин мутахассислари мамлакатимиздаги Тошкент ва Навоий ГРЭСларида энг зарур мослама ва эҳтиёт қисмларни етказиб беради.

Янги битимни имзолаш маросимида катнашиш учун Тошкентга келган «Турбоатом» корхонаси делегацияси Тошкент ГРЭСида ҳам бўлди. Шу учрашув чоғида ҳар икки корхона раҳбарлари янги истиқболли ҳамкорлик тўғрисида маълумият билан гапирдилар. Делегацияга бошчилик қилган «Турбоатом» корхонаси бosh директорининг ўринбосари В. Чередики янги лойиҳалар тўғрисида ҳам ўз фикрини билдирди.

Келгуси йилда Тошкент ГРЭСига ҳар бири 175 мегаватт қурилишига эга бўлган турбиналардан ўн иккитаси етказиб берилади. Айна вақтда Охангарон нурхонаси ҳар бири 11 мегаватт иккита турбинага эга бўлади.

Келгусида Тошкент вилоятидаги ПСКОМ турта турбинани юбориш кўзда тутилди. Шунингдек, Ўзбекистондаги суғориш тармоқларида ишлатилаётган гидрозатворлар учун қўллаб эҳтиёт қисмлар ҳам тайёрлаб берилади.

Ана шу ҳамкорлик шартномаси ўзбек ва украин халқлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Ахрор ВАЛИЕВ



«Тошшаҳарйўловчи-транс» Давлат уюшмасида «Тошкент трамвайи — 100 ёшда» билимдонлар танловининг ғолиблари мукофотлар топширилди.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙИ — 100 ЁШДА

Танлов ғолиблари тақдирланди

Шуни таъкидлаш керакки, бир ой давомида таҳририятимизга танлов саволларига жавоблар битилган қўллаб мактублар келди. Кўпгина газетхонларимиз нафақат ўзларининг Тошкент трамвайи тарихи борасидаги кенг билимларини намойиш этишди, балки саволларга жавоб кайтарганларида мавзуга ижодий жиҳатдан ҳам ёндошишди — қўшимча тарзда кўпгина қизиқ маълумотлар беришди, суратлар юборишди. Танлов катнашчиси С.Қосимова қизиқ ва ноёб суратлар билан кичик тадқиқот даражасидаги жавобларни тайёрлаган бўлса, яна бир газиетхон Е.Камарская ноёб тарихий ёдгорликлар — 1912 йили чиқарилган йўл чипталари ва назоратчилар билдиришини юборди.

Биз А.Муминов, С.Шодиев, Н.Муҳамедов, Е.Сафонова, О.Подарова, Е.Столярова, О.Гаевская, О.Кийко, Д.Ким ва бошқа танлов катнашчиларига миннатдорчилик билдирамиз. Бу гал уларга ғолиблик бахти қўлиб бокмаган бўлсада, бироқ келгусида омадлари яна синаб кўришларига ишонамиз. Зеро, бу «Оқшом» газеталари ташкил қилаётган охириги танлов эмас.

Энди эса биз «Тошкент трамвайи — 100 ёшда» билимдонлар танлови саволларига тўғри жавобларни кел-

тириб ўтамиз: Тошкент шаҳрида трамвай ҳаракатининг йўлга қўйилишига сабаб бўлган компания, бу — Бельгиянинг «Сосете генераль де Бельжик» саноат-молия монополиясида; аксарият «конка»га иккита от қўшилган; биринчи трамвай парк хозирда «Подъёмник» заводи жойлашган ҳудуддан ўрин олган; биринчи трамвай 24 та йўловчига мўлжалланган ва агарда вагонда битта бўлса ҳам ортиқча йўловчига дуч келадиган бўлишса, чипта со-

(иккинчи ўрин), уч ой (учинчи ўрин) давомида бепул фойдаланишлари мумкин бўлади. Ж.Бекбасов ва М.Сулаймоновларга рағбатлантирувчи мукофотлар — Тошкент трамвайига юз йил тўлиши раамзлари таъширилган қўйлак ва бош кийимлари топширилди.

Юқоридаги барча мукофотларни танлов ҳомийси бўлиши «Тошшаҳарйўловчи-транс» Давлат уюшмаси ажратди. Уларни ғолибларга уюшма бошқаруви раисининг

тўғри жавобларига солинарди; Тошкент шаҳрида электрли трамвай ҳаракати 1912 йилнинг 30 декабридан бошланган; ҳозирги кунда пойтахтда 19 та трамвай йўналишлари фаолият кўрсатмоқда; «Тошшаҳарйўловчи-транс» Давлат уюшмаси 1992 йил 4 июнь кuni ташкил этилган.

Танловнинг барча саволларига тўғри жавоб кайтарган катнашчилар биринчи ўринни эгаллашди. Яъни Сталина ва Камарская ва Владимир Смольяковлар танлов ғолиблари бўлишди. Иккинчи ўрин Екатерина Камарская ва Хатам Турмуновларга насиб этди. Сергей Никитенко ва Ольга Мансуровалар учинчи ўринга лойик деб топилди. Эндигиларда улар шаҳар йўловчилар транспортининг барча турларидан бир йил (биринчи ўрин), ярим йил

Харидоргир маҳсулотлар

Шаҳримизнинг Юнусобод туманида 1996 йилда ўз фаолиятини бошлаган «Арслон ва Ислон» хусусий фирмасида тайёрланаётган маҳсулотларга нафақат республикамизда, балки қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон мамлакатларида ҳам харидор бор.

Тадбиркор Рамз Абиев раҳбарлик қилаётган ушбу фирмада балиқ гўшти қайта ишланиб, турли хил сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Хозирда корхонада 30 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Тадбиркорнинг изланишлари ўз самарасини бериб ўтган йиллар ичида балиқ гўшидан тайёрланаётган маҳсулотларнинг тури 50 хилдан ортиб кетди.

— Балиқни ўзимиз боқиб парваришлаймиз, — дейди фирма раҳбари Рамз Абиев. — Бунинг учун корхонамизда барча имкониятлар бор. Ўтган йилда харидорларга 40 тонна маҳсулот етказиб бердик. Биз ички қўшилларимиз ҳамда болалар боғчаларига ўзимизнинг сифатли ва мазали маҳсулотларимизни етказиб бермоқдамиз. Бу йилги режамиз анча юксак. Ишлаб чиқариш ҳажмини ортириб, маҳсулот турларини ҳам кўпайтирамиз. Халқимиз дастурхонига яна бир янги маҳсулот — музлатилган балиқ тортиқ этмоқчимиз. Шунингдек, хорижий давлатлар билан ҳам алоқа қилиб, ўз маҳсулотларимизни экспорт қилиш ниятидамиз.

Дилноза ФИЁСОВА

ТАДҚИҚОТЛАР

Дадил қадам

ЎзДЭУ автомобиллари ўзига хос конструкцияга эга бўлиб, ҳайдовчилар учун қулайликлар туғдиришда. Бу хил транспорт воситаларининг техник афзалликларини ўзида акс эттувчи плакатлар ҳам тайёрланди.

Шуниси муҳимки, бундай ишланмани Тошкент автомобил йўллари институтининг бир гуруҳ иқтидорли талабалари яратди. Олий ўқув юртининг «ЭМ ва А» кафедраси томонидан изланувчан талабалар иштирокида олиб борилаётган тадқиқотлар ҳам амалий аҳамият касб этмоқда.

— Бизда ҳар бир ўқитувчи 4-5 нафар талаба бериштириб қўйилган, — дейди кафедранинг профессори Нодир Ҳамидов. — Бу эса талаба ёшларнинг тегиш ижодкорлигини кенг йўлга қўйишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Автомобилларнинг электр ва электрон жиҳозларини ишлаштириш самардорлигини оширишга қаратилган изланишлар ҳам қутилган натижани берди. Электромобиль транспортини яратиш ва автодизайн йўналишида олиб борилаётган илмий ишлар ҳам ўз ижобий ечимини топмоқда.

«Автомобилларнинг электр таъминоти ва двигателларни ишлаштириш», «Автомобиль агрегатларини электрон бошқариш» деб номланган мавзуларда изланишларга қўл урилди. Бу ва шунга ўхшаш бошқа изланишлар натижалари талабалар илмий анжуманлари дастурига киритилди.

Иқтидорли талаба Маъзуб Маликовнинг двигателга ёнилгини узатишнинг электрон бошқариш тизимлари таҳлиliga бағишланган иши ҳам юқори баҳо олди. Изланишни олиб боришда ижодкор талаба интернет алоқа тизимидан фойдаланиб, илгор тажрибаларга доир маълумотлар асосида иш кўрди.

«Электромобиль яратиш муаммолари», «Лимузин», «Джи» автомобиллари моделлари» каби илмий ишлар ҳам истеъодли ёшлар томонидан амалга оширилди. Кафедра талабаларидан бир неча нафари «Электроника» илми бўйича ўтказилган республика олимпиадасида совринли ўринларни қўлга киритдилар.

Ижодкор талабалар техникавий изланишларининг аксарияти саноат корхоналари буюртмалари бўйича амалга оширилди ҳамда ишлаб чиқаришга талбиқ қилинди. Булардан қўридан ҳам иқтисодий самара 120 минг сўмдан ортиқ маблағни ташкил этди.

Азиз АЛИМОВ

Машинасозлик саноати — муҳим соҳа

ри ишлаб чиқариш корхоналарининг имкониятлари бизнинг мамлакатимиз ва минтақамиз шароитида жуда каттадир. Зотан ҳозирнинг ўзида сифатли қишлоқ ҳўжалик машиналари ва ускуналари жуда катта эҳтиёж нафақат Республикаимиз ҳўжаликларини, балки қўшни мамлакатлар қишлоқ ҳўжалигида ҳам сезилмоқда. Бу талабаларни ўрганиб чиқиш ва қондириш эса кўп жиҳатдан шаҳримиз машинасозлик заводларида ишни қай тарзда ташкил этишга боғлиқ.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ушбу корхоналарга инвестициялар излаб топилш ва тадбиқ этиш масаласи асосий ўринни эгаллайди. Албатта, пахтачилик култиватори, сеялкаси, плуг, ўт ўриш ёки кўсақ териш машиналари ишлаб чиқариш учун ташқи инвестиция излаш ёки кўтиб ўтириш анча соддаликдир. Зеро ҳар қандай замонавий чет эл фирмаси ёки банки фақат ўзи учун яқин, фойдали ва сигналган соҳагагина инвестиция киритади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги заводлари ички инвестиция маблағларига эътиборларини қаратмоқликдир керак. Аммо айнан бу борада ишлар етарли эмас.

Кўпгина раҳбарлар ички инвестиция деганда ҳали ҳам ажратилиб берилаётган транжлар ёки шунга ўхшаш марказлашган молиявий ёрдамни тушунадилар. Ҳолбуки бу ҳали ҳам монопол бўлиб турган баъзи тармоқларни ишлаб туриши учун вақтинча қўллаб-қувватлаётган зарурий чоралардир.

Ички инвестиция — хусусий инвестициялар, шахсий маблағлар ишлаб чиқаришга тадбиқ этила бошланганидагина ҳақиқий бозор иқтисод қонунлари кучга кирган бўлади. Мисол учун Асака заводи яқиндан бошлаб ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган машиналар учун аҳолидан пул маблағлари қўйишни таклиф этди ва қисқа

1999 йил 1 июнда Вазирлар Маҳкамасининг «Турар жой биналарини сув ва газ ўлчаш асбоблари билан жиҳозлаш ва ҳисоблагичларни ишлаб чиқаришни Ўзбекистон Республикасида йўлга қўйиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ана шу қарорга кўра шаҳримиздаги турар жой биналарига сувуқ сув ўлчаш асбоблари ўрнатиш бошлаб юборилган эди. Пойтахтимиздаги «Сувсоз» трести бош муҳандиси Зокир СОЛИХУЖАЕВга мурожат этиб бугунги кунда ана шу қарорнинг амалда бажарилиши юзасидан бир неча саволларимизга жавоб олдик.

— Зокир Тўраевич, жамоа ишчи-хотимлари пойтахтимиздаги корхона ва ташкилотлар, муассасалари ҳамда аҳолини сувуқ сув билан таъминлашда самарали меҳнат қилиб келмоқда. Албатта, бугунги кунда долзарб вазифалардан саналган сув ўлчаш асбобларини ўрнатиш ҳам сизларнинг зиммаларингизда. Бу ишнинг бориши хусусида газетхонларимизга қисқача маълумот берсангиз.

— Халқимизда «Хисобли дўст айрилмас», деган ақоиди бир йибора борки, бу гапнинг жуда топиб айтилганлигига бозор иқтисодиёти шароитида ҳар биримиз амин бўлмоқдамиз. Ишимизни Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосидаги Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарорига кўра ташкил этганмиз. Хозирда асосан хусусий уйларга сув ўлчаш асбобларини ўрнатмоқдамиз. Шаҳримизда 116873 та хусусий хонадон бўлиб, бугунгача уларнинг 21364 тасига ана шундай асбобларни ўрнатдик. Унинг учун трестимизда махсус 26 та бригада ташкил этилган бўлиб, уларнинг 120 кишидан иборат ишчи-хизматчилари ўз вазифаларини сикдидилдан бажаришмоқда. Ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунларида туманлардаги бу ишга мун-

Сарфига яраша ҳақ тўлайсиз

саддилар билан йиғилиш ўтказиб ахборотлар олинди ва тегишли топшириқлар берилди. Айниқса, Акмал Икромов, Сергели, Ҳамза, Миробод туманларида хусусий хонадонларда сув ўлчаш асбобларни ўрнатиш намунали ташкил этилган.

— Сув ўлчаш асбобларини каердан оляпислар?

— Пойтахтимизда ташкил этилган «Тошкент-Центер» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси сифати, нархи ҳам қоникарли даражада бўлган сув ўлчаш асбобларини бизга ўз вақтида етказиб бермоқда. Шуниси эътиборликки, биз бу асбобларни «Ўзйўл» фармбанкдан кредит олиб сотиб оламиз ва шахсий хонадонларга ўрнатимиз. Асбобнинг нархи ҳамда ўрнатиш ҳақи хонадон эгаларининг беш йиллик тариф тўловларига киритилган. Бу оила

— Сув ўлчаш асбоблари ўрнатиш қандай самара бермоқда?

— Биринчидан, бебаҳо бойлигимиз сув тежалмоқда, уни беҳудага сарфлаш ҳоллари камайдди. Илгарилари кўчанинг бошидаги хонадонларда сув бўлса, охиридаги хонадонлар сувсиз ўтирарди. Сув ўлчаш асбоблари юз фоиз ўрнатилган кўчаларда бундай ҳолатларга чек қўйилди. Чунки аввалгидай сув жўрагини беҳудага очиб қўйсангиз хонадонингиздан ҳисоблагич курсатганини нақд тўлайсиз-да. Шунингдек, томорқаси, мол-ҳоли йўқ хонадон эгалари ўлчаниб асбоб ўрнатгач, бирмунча кам пул тўлаётти. Қисқасини айтганда, тўлов сарфга яраша бўлмоқда. Бу менимча энг ҳаққоний усул. Истеъмолига яраша ҳақи бўлади. Яна шуниси қўвонарликки, бундай асбоблар ўрнатилган кўча-

КОММУНАЛ ҲЎЖАЛИГИ МАВЗУИДА

ларда сув беҳудага сарфланмаяпти, ҳар ким ўз носоз жўрагини тузатиб қўймоқда.Чунки «Тома-тома кўл бўлиши» уларга аён бўлмоқда.

— Кўп қаватли турар-жой биналарига сув ўлчашчилар қай тарзда ўрнатилмоқда?

— Янги қурилган ва қурилаётган уйларнинг барчасига ана шундай асбоблар ўрнатилган. Энди эскиларига келсак, сув ўлчаш асбоби кўп қаватли уйнинг ертўласига ўрнатилади. Унинг ҳисоблашига қараб, ҳақи кўп қаватли уйда яшовчи хонадон эгаларига барабар тақсимланади ва тўловлар шунга кўра амалга оширилади. Бунда ҳар бир хонадон эгаси нафақат ўзидан, қўни-қўшинидан ҳам хабардор бўлади. Бу ишда, айниқса уй бошқарувчининг роли каттадир. Бу йил кўп қаватли уйларга 2000 донна асбоб ўрнатишни режаланганмиз.

— Хусусий хонадонларга жорий йилда қанча сув ўлчаш асбоблари ўрнатилади ва бу ишни тугаллаш қачонга мўлжалланган?

— Умуман олганда, шаҳримиздаги хусусий хонадонлар ва кўп қаватли уйларга сув ўлчаш асбоблари ўрнатишни 2004 йилда тугаллашни кўзда тутганмиз. Жорий йилда эса 20 минг дондан ортиқ асбоблар хусусий уйларга ўрнатилади. Ҳамшаҳарларимизга шунинг эслатиб ўтмоқчиманки, бундай асбобларнинг ўрнатилиши ҳаммамизга фойда. Инсон ўрнатиш ва ҳаводек зарур бўлган сувни тежаб-тергашда, исрофгарчилигига йўл қўймакликда бу жуда муҳим ва зарурдир. Сув ўлчаш асбоби ўрнатилган хонадон эгалари бунга амин бўлишмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА сўхбатлашди.



Маҳмуда Умарова пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Дойче Кабель АГ Тошкент» қўшма корхонасининг тажрибали операторларидан биридир. Илгор ишчи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатли бўлишига интилади. **СУРАТДА:** Маҳмуда Умарова иш устида. Тохир Нигматуллин олган суратлар.



ТАЪЛИМ Ўқув-илмий маркази

Кадрлар тайёрлаш
Миллий дастури бўйича Ўзбекистонда ягона ўқув ахборот маърифий маконига юзага келтириш юзасидан кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Кўрилатгани бу каби таълимий тадбирлар олий ўқув юртралида шахс ва ахборот имкониятларидан унумли фойдаланиш, ўқув жараёнларига педагогик технологияларни тadbик этиш имконини беради, албатта.

Ўзбекистон Миллий университетида «Ахборот-педагогик технологиялар» ўқув-илмий марказини ташкил этишга киришилгани ҳам айни мuddа бўлди.

— Янги марказ зиммасига таълим жараёнларига педагогик технологияларни жорий этиш билан бeлик қатор муҳим вазифалар юклатилди, — дейди олий ўқув юрти кафедраси мудири, профессор Эргаш Гозиев. — Талабалар, магистрлар, аспирантлар, ўқитувчилар, докторантларни ахборот ва педагогик технологиялар билан таништириш, уларга интернет алоқа тармоғидан фойдаланишни ўргатиш жараёнлари йўлга қўйилди.

Шунингдек, дунё миқёсидаги ахборот компьютер тизимларида ишлаш, янги услубий электрон қўрилмаларнинг дастурларини яратишга киришилди.

Марказ ўз фаолиятини йўлга қўйишда ахборот маркетингини амалга ошириб, таълим тизимига компьютер технологиялари ҳамда ахборот вентилларини тadbик этиш билан шуғулланиди. Масофадан таълим турли ўқитишни ривожлантириш, маърузаларнинг электрон матнларини яратиш ҳам кўзда тутилди. Ахборот компьютер тармоқларини лойиҳалаш, илмий-техник конструкторлик лойиҳа ишларини ташкил этиш ҳам ўз ижобий самараларини беради.

Янги марказ университетда ўқув жараёнларини давр талаблари асосида ташкил этиш учун мустақкам негиз яратиб беради.

Ақбар АЛИЕВ

ТАНЛОВЛАР Хам мукофот, хам Америкага сафар

Бу сафарги «Инглиз тили ва америкашуносликни ўқитишда аълочилиқ мукофоти» дастури танловига республикамизда пойтахтдаги қатор мактабларнинг моҳир ўқитувчилари фаол қатнашдилар.

Шаҳримиздаги 217- мактабнинг таърибли инглиз тили ўқитувчиси Раиса Салимова бу нуфузли халқаро танловларда фахрли голибликни қўлга киритди.

Пойтахтимиздаги ижтимоий фаоллар гимназиясидан Гулчехра Маҳкамбоева, 257- мактаб-гимназиядан Светлана Хан, 18- мактабдан Лариса Мақкевич, 50- мактабдан Раиса Фрейлих ва бошқалар ҳам аълочилиқ мукофоти совриндорлари бўлишди. Голиб ўқитувчиларнинг ҳар бирига 200 АҚШ доллари миқдорда инглиз тили ўқув қўланмалари ҳамда улар ишлаб турган мактабларга икки минг доллар ҳамжида компьютер, принтер, аудио магнитофонлар совға қилинади. Шунингдек, улар Америкага бориб, етти ҳафталик ўқув семинарида иштирок этишади.

Анвар ВАЛИЕВ

Ғолиблар аниқланди

Иктидорли болаларнинг техника иходкорлиги бўйича шаҳар сeтi бўлиб ўтди. Команда ҳисоби бўйича пойтахтнинг Сирғали ва Юнусобод туманлари ёш техниклари биринчи ўринни бўлишиб олишди. Ҳамза ва Шайхонтоҳур ҳамда Ақмал Икромов туманлари вакиллари эса иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритдилар.

Энг яхши ихтирочи, энг яхши тadbиркорлик, моделлаштириш йўналишида ташкил этилган шахсий мусобақада уч нафар изланувчан техника иходкорлари голиб чиқди.

Аҳмад АЗИМОВ

Шарқ дурдоналари Оз-Оз ўрғаниб Домо бўлар...

● Оғиздан чиққан бир калима сўз ҳам унинг эшитган одамнинг ё муҳаббатини, ёки адоватини жалб этади. Шунинг учун ҳар бир сўзимизни ўйлаб, эҳтиёт билан сўзлайлик. Оғзимиздан чиққан сўзлар эшитганларнинг дилларини ранжитмасин, уларнинг нафрат ва адоватларига сабабчи бўлмасин.

● Олимлардан Ризоуддин ибн Фахриддин айтади: — Тўй умрда, кўп вақт бир-икки марта келади. Шунинг учун шодлик изҳор қилиш одатдир. Агар исрофдан сақланилса, тўй қилишдан зарар йўқдир, лекин ҳаддан зиёд исрофгарчиликка йўл қўйиб тўй маросимларини ижро этиш ҳар жиҳатдан зарарлидир.

Шуҳрат ва обрў қозониш учун кўп пул сарф этиб исрофли тўй қилиш — ақли кишининг иши эмасдир. Мақбул тўй — содда ва ихчам бўлган тўйдир. Тўй кўни ҳамма ёмонликларнинг манбаи бўлган ичкиликлар ҳозирлаб, маст-аластлар йғилишини ташкил қилиш тамомила беъманиликдир. Мухтарам тўй эгалари бунга эътибор бериб, тўйларини ичимликсиз ўтказишлари ва исрофга йўл бермасликларини лозим.

Байт:
**Бохабар бўлгил бад ишдан бад юқар,
Иллатийнинг бўйидан иллат юқар.**

● Олимлардан бири айтади: — Жасорат ўз-ўзига ишончининг ташқи аломатидир. Жасорат ҳаётда муваффақиятнинг энг буюк омилдир. Жасорат ахлоқни тазолайди. Ҳаётнинг ҳамма оғирликларига, ҳамма ҳужумларига қарши турганлар, ҳар хил алам, қайгуларга, захмат ва машаққатларга жасорат кўрсатиб чидаганлар, ҳаётда роҳат ва фароғат билан яшашга муваффақ бўладилар.

Жасоратсиз, ғайратсиз ва матонатсизлик — вазифасизлик демакдир. Вазифани бажаришдан бўйин товлаш — кўрқоқликдир. Кўрқоқ кишилар қалб истироҳати билан яшай олмайдилар. Жасорат бизга истиқболимиз учун умид бахш этади. Ҳаётда умид — сабот, ғайрат ва матонатнинг энг буюк манбаидир. Умид жасоратли одамларда бўлади. Ҳеч бир вақт, ҳатто энг оғир қўларимизда ҳам умидсизликка тушмаслигимиз керак.

Жамият томонидан бўйинимизга қўйилган вазифани тўла-тўқис бажарайлик, халқ манфаати йўлида кўрқоқлик, ақлоқлик кўрсатмай, жасорат, ғайрат ва матонат билан ишлайлик.

Байт:
**Ким жасорат ҳам матонат йўлига қўйса
қадам,**

Ишлари топгай ривожу, эл қошида муҳтарам.

● Одамнинг ҳусни жамоли фақат унинг кийган либосида эмас, балки одоб, ахлоқ ва камолидадир.

● Молу дунёнинг, мансабинг билан фахрланма, ҳунаринг, илму камолинг билан фахрлан.

● Ҳар бир ишинг бахт-саодати фақат унинг орзу-таъмаларига боғлиқдир. Энг таъмакор одам — бахт-саодати энг оз бўлган одамдир.

● Бир ишга киришмасдан аввал унинг оқибатини яхшилаб ўйла, муқаддималардан аввало натижаларга кўз ташла, фойдани ўйлаганинг каби зинни ҳам ўйла, маъносиз умидларга сира аҳкам, ўзингни бошқаларга қиёс қилиб янгилишма, чунки қиёс сенинг қарашингда тўғри бўлса воқеада янглиш бўла олади.

ҲИКОЯТ. Анушервоннинг қошига Румдан бир элчи келди. Анушервон Бузургмехрининг донишмандлигини элчига билдириб, шундай донишманд ва зирга эга бўлгани билан фахрланмоқчи бўлди. Элчи қошида Бузургмехрга:

— Эй донишманд вазирум, оламда нима бор бўлса, ҳаммасини биласан, шундай эмасми? — деган эди. Бузургмехр: «Билмайман», деб жавоб берди. Анушервон элчи қошида кўп хижолат чекиди. Бузургмехрдан яна сўради:

— Агар сендек олим, донишманд билмасан оламдаги ҳамма нарсани ким билади?

Бузургмехр жавоб берди: — Ҳамма нарсани биладиган киши шу вақтгача ондан туғилмаган, нодон, жоҳил кишиларгина «Мен ҳамма нарсани биламан, ҳамма илм-фандан яхши хабардорман», деб даъво қиладилар.

Байт:
**Кимки бўлса аввали беҳиёт,
На ҳаётини танир, на ул мамот.**

● Сукрот ҳаким айтади: — Мен душманим бўлган бир одамга адоват қилмайман, адоват қилсам, душманимнинг ҳусумати яна ҳам зиёда бўлади. Мен яхшилик билан муомала қилиб, душманимнинг адоватини муҳаббатга айлантираман, уни ўзимга дўст қиламан.

● Луқмони ҳаким айтади: — Саъй-ғайратсизлик — умид ва муваффақиятнинг қучини битирадиган бир мараздир, инсоният саодатидан маҳрум бўлиб, маъюсона яшаш — саъй-ғайратсизлик асаридир.

● Олимлардан М. Одил айтади: — Ахлоқ тарбияси — ўзимизни ярамас майл-ҳаваслардан сақлаш, таъбимиздаги олий фикрларни тараққий этиб, ҳаракатимизни тўғри бир нуқтага йўналтириш демакдир. Ахлоқ тарбиясининг гоёси — инсонларнинг ахлоқ жиҳатидан мукамал бўлишини таъмин этишдир, тарбиянинг бу қисми жуда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки инсондаги қобилиятларнинг энг мукамалли — иш ва ҳаракат қобилиятдир. Бадан ва ақл тарбияси билан йўлдош бўлмасан, буюк бир фойда таъмин қилмайди. Ақл қуввати ва кескин фаҳм-фаросат ва закийликни ёмонлик йўлида истеъмолик қилишга монъе бўладиган нарсан — гўзал ахлоқдир.

Айниқса ахлоқ тарбияси халқни роҳат ва фароғатда яшатади. Ахлоқсизликнинг башариёт жамиятига келтирган вайронликларини англаш учун миллатларнинг бир неча асрлик тарихларига кўз ташлаш кифоя.

Байт:
**Асли билсанг — нури жондир тарбият,
Гавҳари ер, осмондир тарбият.**

ҳам кирмаган эди. Бу жуда қизиқ бўлган.

ЖУРНАЛИСТ. Илтимос, бу ҳақда баътафсилроқ гапириб берсангиз.

Н.К. Биласиз, санъаткорларнинг ҳаёти ҳам оддий халқникидан унча фарқ қилмайди. Кўча-кўйда, тўй-ҳашамларда ўйин-кулги қилиб, қўшиқ айтиб юрганамиз билан бизда ҳам оила, бола-чақа, уй-рўзгор ташвиши бор. Баъзан уйдаги гап кўчадагига тўғри келмай қолади, кайфиятинг, ороминг бузилади, туллари уйқунг қолади, ичингга қил сизмайди, ҳуллас, ўзингни қаерга қўйишингни билмай қолсан, киши. Ушандай пайтда кўча эшигинг кўнгириги жиринглаб, қаршингда ўта жиддий қиёфадаги харбий киши туриб, сени сўраб-суриштирса, кўнглингдан нима кечмайди? «Қўрққанга кўша кўринур», дегандай, жуда ноқулай аҳволга тушиб қолсан, албатта.

ЖУРНАЛИСТ. Нима, ўшанда ҳаётингизда бирор кўнгилисиз воқеа рўй берганми?

И.Р. Тез орада қўшиқ матни нотаси билан «Оқшом» газетасида эълон қилинди.

Н.К. Бир кўни Ўзбек Давлат филармонияси олдида ҳамкасб дўстларим, Ўзбекистон халқ артистлари Абдуқошим Исмоилов билан Фуломжон Ёқубовларни учратиб қолдим. Улар Тошкент ҳақида менда бирор янги асар борми-йўқлигини сўрашди. Хурсандчилигимни яширолмадим. Уша захотиёқ машинага ўтириб, Фуломжоннинг уйига бордик, янги асарни тинглаб, маромига етказдик. Шу тариха ўзаро ижодий ҳамкорликда тутилган янги асаримиз Фуломжон Ёқубов ижросида эълонга телефондан жой олди, байрам тароналарида ўзига хос жаранглади. Кейинчалик бу асар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбахор Эрқулова ижросида ҳам қайтадан янграб, радиофонотеканинг олтин хазинасига ёзилди.

ЖУРНАЛИСТ. Қўрик-танлов натижаси нима бўлди?

БИР АСАР ТАРИХИ

АССАЛОМ, ТОШКЕНТИМ!



Республикамиз Мустақиллигининг муборак 10 йиллиги арафасида истиқлол даврида Ўзбекистонимиз, унинг пойтахтида юз берган тарихий, улғурғор ўзгаришларни мадҳ этиш, Шарқ дарвозаси бўлими Тошкентнинг тарихи ва бугунги қиёфасини тараннум қилиш, унинг дўстлик, тинчлик, ҳамкорлик ва эзгулик шахри эканлигини яна бир бор мусиқий ва бадиий жиҳатдан гавдалантириш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарадир.

Шу ўринда бундан қарийб 20 йил муқаддам яратилган, хали ҳам ўз тароватини йўқотмаган, ҳамон таниқли қонанда ва созандалар, бадиий жамоалар томонидан севиб ижро этилиб, телекўрсатув ва радио тўкинлари дастурида баралла янграётган пойтахтимиз ҳақидаги бир асарни тилга олиб ўтиш жуда ҳам ўринлидир. Эл назарига тушган бу асар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳибни Нейматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ ва истеъодли шоир Искандар РАХМОН ўзаро ижодий ҳамкорликда яратган «АССАЛОМ, ТОШКЕНТИМ!» кўшиғидир.

Бизнинг сўхбатимиз ана шу таниқли иходкорлар билан юқорида номи зикр этилган асарнинг яратилиши тарихи ҳусусида бўлди.

*Ассалом, Тошкентим, эй она шахрим,
Тарихда, курашда мардона шахрим,
Гуллаган, яшнаган замона шахрим,
Онадай пурзиё ошёним менинг,
Кўксидан меҳнатдан нишоним менинг!*

*Қутлайман улғурғор тўйларинг билан,
Фаровон, нурафшон йўлларинг билан,
Шавқатинг, шуҳратинг, ўйларинг билан,
Онадай пурзиё ошёним менинг,
Кўксидан меҳнатдан нишоним менинг!*

*Булчалар иссиқдир қучоғинг сенинг,
Ватаним, масканим, гўлбоғим менинг,
Беҳисоб қардошу ўртоғинг сенинг,
Онадай пурзиё ошёним менинг,
Кўксидан меҳнатдан нишоним менинг!*

*Сен дўстлик шахрисан, қутлуғ маконсан,
Тинчликка таялсан, метин кўргансан,
Озод Шарқ машаали, нури жаҳонсан,
Онадай пурзиё ошёним менинг,
Кўксидан меҳнатдан нишоним менинг!*

*Камол топ Тошкентим, шахрим — навқирон,
Йўлданга тўшадин лола, гул, раёҳон,
Гурқираб яшнайвер турғунча жаҳон,
Онадай пурзиё ошёним менинг,
Кўксидан меҳнатдан нишоним менинг!*

*Искандар солади рубоб, торини,
Маоҳ этар суяқли гул дибериши,
Тўқар оқ қоғозга дида борини,
Ассалом, Тошкентим, бўстони менинг,
Дилымда, тилимда дostonим менинг,
Беғубор, мусаффо осмоним менинг!*

Н.К. Ҳа-да! Уша кўнлари худди ўчакши-гандек, кенжайот ўғлимиз (Оллоҳ уни раҳматига олган бўлсин) шуҳлик, ёшлик-бебошлик қилиб, маҳалладаги бир-иккита тўпалончироқ болалар билан уришиб қолиб, миришабхонга тушиб қолган эди. Эс-хушимиз уша билан банд эди. Энди, ... шу масаллада бўлса керак, бизни суриштириб, одам келиб турибди. Биз нима халёдаю, у нима хаёлда, ёлғиз Оллоҳга аён эди. Уртадаги беихтиёр жимлик, сукунат, қисқача расмий салим-алиқдан сўнг қутилмаган меҳмон мулоимлик билан қўлимга бир варақ оқ қоғоз тўтказиб дедилар: илтимос, шу билан бир танишиб чиқсангиз. Маъкул бўлса, кейин гапашармиз.

Мен бу харбий ходим қўлидаги қоғозни худди терговхонага «чақириқнома» олгандай, ҳадиксираб олдим, каттиқ ҳаяжонландим. У ташқарига чиқиб кетгач, қоғоздаги ёзувларга кўз югуртирдим. Не ажабки, уни ўқиганим сари, дил гашилим ёзилиб, ич-ичимдан ажиб бир нозик ва дилни эркаловчи куй, оҳанг кела бошлади. Беихтиёр бўлиб қўлимга дутор олиб, усул бердим. Шерв сўзи оддий ва раван бўлганидан қўшиқ туғилди, қўйди. Дарров Искандархоннинг уйларига кўнгиروق қилдим. У киши хали уйга етиб келмаган экан, келинини янглиқдан воқиф этдим. Орадан кўп ўтмай, бизнинг уйда телефон жиринглади. Унинг гўшагини кўтарсам, Искандархон! Мен телефон гўшагини олдимга қўйиб, дутор чақиб, қўшиқни бошдан оёқ унга айтиб бердим! Ана хурсандчилиғу мана хурсандчилик! Ижода бунча бахт, омад жуда камдан-кам бўлади!

И.Р. Бир-икки ҳафта ичида янги қўшиқнинг нотаси ҳам тайёр бўлди. Кейин уни фонограммаси билан қўйиб, «Тошкент таронаси»га топширдик.

ЖУРНАЛИСТ. Қўшиқнинг кейинги тақдири нима бўлди?

И.Р. Бундай танловда қатнашимизнинг ўзидан биз беҳад севингандик, ўшанда.

Н.К. Энг асосийси, асар баҳона ўзимиз эл-юрт назарига тушидик, асаримиз халқ мулкига айланди, тарихга кириб қолди. Шунинг ўзи биз учун катта бахт, мукофот бўлди.

ЖУРНАЛИСТ. Дарҳақиқат, шу воқеа сабаб, ўтган вақт мобайнида бу икки иходкорнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида «Тошкент қизлари», «Ойқиз», «Ўхшайди», «Ўзбекистон тиллоси» каби янги қўшиқлар пайдо бўлди. Нейматжон Қулабдуллаев Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони, «Эл-юрт хурмати» орденига сазовор бўлди. Искандар Раҳмон эса икки марта Ўзбекистон Республикаси Фахрий Ерлиги билан тақдирланди. Элим деб, юртим деб, ёниб ижод қилаётган фидойий инсонлар учун бундан ортиқ бахт, мукофот ва унвон борми? Фурсатдан фойдаланиб, кўп минг сонли оқшомхонлар номидан бу тиниб-тинчимас иходкор ҳамкорларга мустаҳкам соғлиқ, ижодий омад ва парвозлар тилаймиз!

Яна битта қўшимча тилақ, орзу шуки, қани энди элга манзур бўлган «Ассалом, Тошкентим!» сингари қўшиқлар Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Пойтахт» дастуридан мавсумий эмас, мустаҳкам ўрин оلسа, «Шаҳарлар ҳақида»ги қўшиқлар туркумида доимий бошловчи бўлса...

**Сўхбатдош
Солиҳ ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими.**

СУРАТДА: халқимизнинг икки истеъодли иходкори Нейматжон Қулабдуллаев ва Искандар Раҳмон ўзаро мулоқотда.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.



ЖУРНАЛИСТ. Искандар ака, асарнинг яратилиши билан боғлиқ баъзи омишлар ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

Искандар Раҳмон. Марҳамат, жоним билан. Камина ҳаёт ва тақдир тақозоси билан чорак асрдан зиёд вақт Куролли Кўчалар сафида харбий хизматда бўлиб, оила аъзоларим билан киндик қоним тўқилган, униб-ўсган она-мақоним, шахрим, қариндош-уруғларим, ёру биродарларим бағридан узилиб, олисда, хоржиб-шошилиб дарт юрт соғинчи ва юланичи билан умидвор яшаганман. Қаерда ва қандай шароитларда бўлмай, она юртим, она тилим, шарқона, ўзбекона урф-одатларимиз, маданиятимизга меҳр-муҳаббат, миллий гурур ва ифтихор ҳис-туйғуси доимо юрагимнинг тўрида бўлган, заррача хаёлимни тарқ этмаган. Ҳар йили навбатдаги меҳнат таътили олиб, ошиқиб-шошилиб Тошкентга келганимда йил бўйи эълон қилинган энг сара, янги бадиий адабиётлар, куй, қўшиқлар ёзилган грампластинкаларни асраб-авайлаб, ўзим билан бирга олиб кетар, оила аъзоларим, бошқа ҳамюртларим билан баҳам кўрар, юрт соғинчи, мусофирчиликнинг изтиробларини бир қадар енгиллаштириб, ҳумордан чиқар эдик. Лекин ҳар сафар юртимизга келганимиз ва яна маконимизга қайтганимизда эски яра, жароҳат қайтадан янгиланарди, дил ғам-ғуссага, кўзларимиз жик-жик ёш, зардобга тўларди. Албатта, гурбатда, мусофирчиликда ўтган бу дамлар юрагимизда ўз изларини қолдирган. Бундай воқеа айниқса, 1980 йили олис хоржий мамлакатдаги хизматимни тугатиб, Брест қалъасидан ўтиб, Москвадан Тошкент томон тезувар самолётда учимизмиз жараёнида юз берган, кўпдан бери ичимда тўпланиб қолган дард, ҳис-туйғулари бир лаҳзада, бир зарб, тўлғоқ билан оқ қоғозга тушган эди:

Бу асарни насиб этса, Нейматжон Қулабдуллаевдек ҳассос санъаткор ҳужмига ҳавола қилиш дилимнинг тубига яширинган эди, ушанда.

ЖУРНАЛИСТ. Нима учун айнан Нейматжон Қулабдуллаевга?

И.Р. Сабаби, 1960 йиллардан бошлаб, ўзининг янгрққ сози ва овози билан она юртга меҳр-муҳаббат, бурчга садоқат, вафо ҳақидаги «Индамади», «Кўлда Раъноси билан», «Келмаса келмасун нетай», «Розиман», «Қир-адирда гул-лола», «Уйнасин» каби ўнлаб дилрабо куй, қўшиқлари билан эл назарига тушган Нейматжон Қулабдуллаев ижоди дилимга ошно, вобастаю пайваста эди. Қолаверса, уша пайтдаги биз тенги ёшлар ана шундай ёқимли, мафтункор қўшиқлар таъсирида униб-ўсган, етилган эдик. Мабодо, бирор дардга чалиниб, иситмамиз қирқдан ошиб, алангаю оташда ётсак ҳам «Индамади» деб инқиллар эдик-да! Ҳуллас, Нейматжон ақанинг элда обрўси, эътибори ниҳоятда баланд эди. Шунинг учун бундай Инсон билан юзма-юз учрашиш, сўхбатлашишга юрагим бетламади, очиги. Ёзган шеръим у кишига маъкул бўладими, йўқми? Маъкул бўлса, хўп. Ақс ҳолда дилим оғриб, умуман қўлимга қалам олмаслигим ҳам мумкин эди. Шунинг учун машқимни бир чеккага қўйиб, бироз ховримдан тушдим. Бу орада...

ЖУРНАЛИСТ. Нима, бу орада?

И.Р. Тошкентнинг 2000 йиллик тўйи муносабати билан «Оқшом» газеталарида «Тошкент таронаси» танлови эълон қилинди. Бахтимни синаб қўришга имкон очилди. Нейматжон акам жонимга оро кирдилар.

Нейматжон Қулабдуллаев. Энг аввало Искандархон билан бизни тақдир туташтирди. Бунини Оллоҳнинг меҳрибончилиги, улғурғор нияти дейиш ҳам мумкин. Мен у кишини аввалдан яхши билмасам-да, илосландим сифатида дилимга яқинлигини сезардим. Янглишмасам, 1975 йили у хоржий мамлакатга хизматга кетаётиб, қариндош-уруғлари, ёру дўстлари билан хайрлашув кенаси ўтказганида санъаткор сифатида унинг азиз меҳмони бўлган эдим. Лекин орадан 5-6 йил ўтгач, у билан тасодифан уйимда учрашиш етти ухлаб тушимга





ВОКЕА АРАФАСИДА

Ўзбек кураши Осиёга ҳам йўл очмоқда

Миллий курашимизнинг жаҳон мамлакатларига йиллигини мустақиллик нёғматларидан бири, десак адашмаймиз. Чунки миллий кадрларнинг ахтариш ва тарбияси бўлган курашимиз нафақат ўзимизга қайти, балки дунёнинг бешта қитъасида уни катта қизиқиш билан ўрганиб, ўзлаштириб, жойларда ўз чемпионатларини ўтказмоқдалар. «Жалол», «чала», «ёнбош» каби кураш атамаларининг турли қитъаларда янграши оддий ҳолга айланиб қолди. Бинобарин, миллий спорт турининг олимпиада ўйинлари дастурига кириши учун имкониятлари ҳам тобора ошиб бормоқда.

Рустам Абдурасулов (Қозоғистон), Изуми Таканезава, Масаша Йошизава (Япония), Раван Кумар, Яшпал Саланки (Ҳиндистон), Аббас Фалах, Голам Саезгар (Эрон), Жанубий корейлик Сеонг Пил, Эор Жунг ва бошқа кўплаб етук спортчиларнинг маҳоратларидан баҳраманд бўладилар. Мусобақаларда эркеклар 73, 81, 90 ва мулк ва вази тоифаларида, аёллар ва қизлар эса 63 килограммгача вазнда ўзаро баҳс юритадилар.

Мамлакатимизда спорт тамойилларига риоя қилган ҳолда кураш бўйича республика чемпионати голибларидан Осиё чемпионатида иштирок этувчи полвонлар саралаб олинди. Бинобарин, республикамиз чемпионлари Венгрияда ўтказилмаган чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишга бўлса, қумуш нишонлар соҳиблари учун Осиё чемпионатида йўл очилди.

Шу асосда Осиё чемпионатида 73 килограммгача вазнда Рамзиддин Саидов, 81 килограммгача вазнда Воҳид Жўраев, 90 килограммгача курашчилар ўртасида Файзи Очиллов ва энг оғир вазнда Қодиржон Музаффарлар юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Аёллар турнирида эса республикамиздан Зулҳижжа Худоберова иштирок этади. Шуни ҳам қувонч билан таъкидлашни истардик, Осиё чемпионатида Африка ва Европа қитъаларининг расмий вакиллари ҳам катнашиш ниятини билдиришди. Ўйлашимизки, кураш бўйича Осиё чемпионати мустақиллигимизнинг ўн йиллик тўйига муносиб армуғон бўлади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

Рақиблар кучсиз эмас

2002 йилда ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш турнирида қатнашаётган Осиё минтақаси 7-гурҳидаги Ўзбекистон терма жамоасининг рақиблари Иордания ва Туркменистон терма жамоалари кучсиз эмас, аксинча Осиёдаги анча кучли жамоалардан ҳисобланади. Гурҳда голиблик учун ҳаётий рақиблик муносиб қаршилиқ кўрсатиши кутилаётган Иордания терма жамоаси саралаш мусобақаларига пухта тайёргарлик кўрди. Масалан иорданиялик чарм тўп усталари Югославияда, Болкон мамлакатларида ва Туркияда ўқув машғулот йиғинлари ўтказишди. Туркияга сафарнинг дастлабки кунинда «Истамбулспор» жамоасига қарши ҳужум чизгида жиддий ўзгаришлар қилган иорданияликлар 2:0 ҳисо-

бида мезбонларни доғда қолдиришди. Шу боис ҳам, май ойида Иорданияга ФИФА президенти Блаттернинг ташири буюриши кутилмоқда. Ташири мобайнида Блаттер ўз ҳамроҳи, футбол юдузларидан бири Мишель Платини билан бирга Осиё минтақаси 7-гурҳидаги терма жамоалар ўртасида Жаҳон чемпионати саралаш турнири иккинчи босқичдаги иккита учрашуви томоша қилишни режалаштирган. Бу ўзбекистон — Хитой Тайпей ва Иордания — Туркменистон терма жамоалари баҳсларига тўғри келади.

Юртдошларимизга ишонч

2002 йилда ўтадиган Жаҳон чемпионати саралаш турнирининг Осиё минтақаси 8-гурҳ ўйинлари 20 апрелда бошланди. Қувончли жиҳати шундаки, ушбу гурҳдаги Ҳиндистон — Бруней

терма жамоалари ўртасидаги учрашуви ҳамюртимиз Ноил Лутфулин бош ҳакам сифатида бошқарди.

Ўзига хос имтиҳон

Авал хабар берганимиздек, мамлакат миллий чемпионати савиясини кўтариш мақсадида Ўзбекистон футбол федерацияси футболчилар маҳоратини оширишни қўлга кўриш-танлов ўтказган эди. Афсуски, айрим футболчилар ушбу синозда муваффақият қозонолмай чемпионат ўйинларида қатнашишдан маҳрум бўлгандилар. Ўтган сешанба, яъни 17 апрелда яна бир марта «Пахтакор» марказий стадионида кўрик-танловдан «йўқилган» футболчиларга имконият берилди. Бу сафар ҳам «омади» чопмаган» футболчилар май ойида яна синовдан ўтишади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Уч кун давом этган суд охириги нуктасига етди. Залдагилар жим, Жиноятчи ва унинг таниш-билишлари ҳам, хуллас ҳаммининг юраги така-пука. Қора курсида ўтирган 21 ёшли йигитнинг тақдири ва қилмиши қандай яқунларкин? Суд раисаси, сочларини силлиқ тараб, бежирим турмаклаган, ўрта ёшлардаги салобатли аёл ўрнидан туриши билан зал сув қуйгандек жим бўлиб қолди.

— Сўз жиноятчининг онаси Замира Афзаловага берилди.
Хамма ҳаяжон билан олдинги ўриндиклардан бирини мункайиб ўтирган аёл томон қаради. Онаизор шовилмай ўрнидан турди. Унинг лаблари тинимсиз титрар, нималарнидир пичирлар, ичидан қуйилиб келаётган юз-кўзлардаги терни қўлидаги рўмолча билан тинимсиз артар эди. У ҳарчанд гапиришга уринмасин, лекин тили айланмасди.

— Ҳаяжонланмасдан, ўзингизни босиб олиб гапиринг, — деган овози эшитилди раисанинг. Унинг овози энди ниҳоятда майин ва юмшоқ эди. Бу овозда юракка далда берувчи қандайдир илиқлик бор эди. Кампир чидаб туролмади. Бу самимийликдан кўнгли юмшаб, бирдан ўкириб юборди. Сўнг боши янада эгилиб кетган ўғлига қаради.

— Нима иш қилиб қўйдинг, болам? — деди у йиги аралаш ўпкаси тўлиб. Хамма гур этиб, жиноятчига қаради. У одамлар нигоҳидан қўзларини олиб қочар, унга термулиб турган бу кўзлардан ўт чакнаб турганини зимдан ҳис этиб туради. Қани энди шундоққина ер ёрилсаю уни ўз бағрига ола қолса. Ана ўшанда бу кўзлардан қочиб кутуларди у.

— Шумиди сендан умидим, орау-истагим? — онанинг сўзи одамлар диққатини бўлди. — Қариганимда не кунларга қўйдинг. Қани энди Афғонистон урушида ўз жонини қурбон қилган меҳрибон ўғлим Қаримжон тирик бўлса-ю, уни ўрнига сенинга...
Бу нидо ўтирганларнинг қалбини парчалаб юборди. Онанинг аламли сўзи, гамили нигоҳи тош юракларни ҳам эритиб юборди. Қора курсидаги йигит инграб юборди. Одамлар кўз ўнгинда унинг биринчи бор аламли нидоси эди. Энди она ўзини тугиб олганди. Бояги ҳаяжон ва титроқдан асар ҳам қолмаганди...

Қодиржон ва Икромжонлар шундоққина девордариёб қўшилди эди. Тақдирини қарангки, ҳар иккала йигитнинг оталари бир йилнинг ўзида қатма-қат вафот этишди. Аналар бева қолишди. Бир-бирларининг қайғу-ҳасратларига шерик бўлишди. Қодиржоннинг акаси ҳарбий хизматдаги Қаримжоннинг ўлиги келтирилганда ҳар иккала хонадонда ҳам бараварига аза бўлди. Шундан кейин қўшилган ўртасидаги меҳр-оқибат, ўзаро яқинлик янада кучайди. Икромжон ва Қодиржон бир мағизни тенг бўлашиб ейишди.

Олдин Икромжон, сўнг Қодиржон ўрта мактабни тугатишди. Икромжон йирик бир корхонага ишга жойлашди. Қадок қўли устоз ҳамкасбларидан иш сирини ўрганди. Зийрак ва қаққон йигитча ҳадемай ҳаммасини эглаб қетди.

Қодиржон ҳайдовчилик курсига кириб ўқиди. Ўқиниш тугатиб автокорхонада ҳайдовчилик қилди. Қўп ўтмай кўпчилик озғига тушди. Номи илғорлар сўлидан тушмай қолди.

Бир кун қайсибир байрам шарофати билан беҳона муқофот «ювилди». Ушунга кўра бир-икки қадақ кўтарган Қодиржон ичкилик қайфидан сархуш бўлди. Ёнида ўтирган катта-кичик ҳамкасблари ўта ширинсухан ва меҳрибон кўриниб кетди унинг кўзига. Айниқса «битта»-си. Унинг номини ҳозир Қодиржон тилга олгани ҳам келмайди. Хуллас, ўша одам Қодиржонга ичкилик ботида устозлик қилди.

— Хой укам, кўрагида ёли бор йигит ичади буни, — деди у. — Ишдан кейин муздекина «оқ тўрадан» бир-икки пиёласини силпорганга нима етсин. Лекин эсингдан чиқарма, ука, икки кишига битта «новчаси» этади. Қани озлик қилади. Ха, энди улфатинг зўр бўлса, хурманганга қараб яна бироз оширсанг бўлади.

Бора-бора устоз ва шогирд бир-биридан ажралмай қолишди. Қодиржон уйга кеч қайтадиган бўлиб қолди. Энди Икромжон билан ҳам кўришарди. Кўпинча у дам олиш кунлари ҳам сахар туриб, «устози» олдига жўнарди. Кейин чойхонада ошхўрлик, маишат...
Замира холанинг насихатлари қор қилмай қолди ўғлига. Буниг устига ўғил бўлар-бўлмасга онани жерикиб ташлайдиган одат чиқарди. Орага қўшиллар тушди. Бир неча бор Икромжон гапирди.

— Таваб, бунча ҳўжайинларим кўпайиб қолди, — асабийлашди Қодиржон. — Худди мен уланинг пулига ичаётгандек. Менга қара, сен ўзингни билсангчи, нима қилсан менга ақл ўргатиб. Насихат қилдиган отам аллақачон ўлиб кетган.

Икромжон шундай вақтларда ҳам ўзини оғирликка олاردди. Қодиржоннинг сурункасига ичиб келиши, бўлар-бўлмасга жанжал-тўполонлари сабаб қўшиллар орасидан оқибат кўтарилга бошлади.

Дам олиш кунни эди. Қодиржоннинг уйига минг тавозе билан «устоз» кириб келди. Қадри меймон куюқ кутиб олинди. Турдаги қўша-қўша кўрпачалар устига тақлиф қилинди. Меймоннинг хоҳиши, ўғлининг буйруғи билан онаизор ҳамир томоққа уннаб кетди.

— Ўғлим, — деди у таомни сузишга тарадудланиб, — Икромжон уйда. Чақириб чиқин. Ахир кўп йиллик кадрдонларимиз, хафа бўлади.

Қодиржон дастлаб рўйхуш бермади. Лекин Икромжон олдида бир сўзини «қўрсатиб» қўйиш ниятида кўздан бери кирмай қўйган хонадонига қадам қўйди. Унинг овозини эшитиб ичкаридан Икромжон югуриб чиқди.

— Ха, дам олиш кунни уйда қамалиб нима қилаясан? Уйга юр, меймон бор.

Икромжон розилик билдирди. Ахир кадрдон қўшни ака-укадек одамнинг юзига оёқ тираб бўлармиди. — Қани, йигит олинг, — деди меймон пиёлага ароқ қуйиб Икромжонга узатаркан.

— Раҳмат, мен ичмайман, — деди у пиёлани олмай.

— Ие, йигит кишиям ичмайдингми, — тўнгиллади у. Икромжон олмади. Қўли қайтгани учун меймон хафа бўлди. Қодиржон асабийлашди. Ўтиришдан фойз кетди. Меймон бир-икки бора «кетаман» деб қўзғалди. Уни зўрлаб ўтказишди жойига. Икромжон

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

ОНАНИНГ УМИДИ ШУМИДИ?

(Бўлган воқеа)

бироз ўтириб уни-буни баҳона қилди-да чиқиб кетди.

— Аҳмоқ одам экан. Йигит кишиям шунақа бўлади, хотинларга ўшаб...

«Устоз» кеч қўзғалди. Қодиржон уни кузатиб чиқди. Бўш келган енгил машинага ўтказди, хайрлашди. Уйга қайта туриб боғи воқеани эслади. «Бировнинг олдида шарманда қилди мени. Обруғини тўкиш учун жўрттага қилди бу ишни. Бўлмасга ўтиришга пашша туширмай бир пиёла ароқни ичиб юборса, ўлиб қолмасди. Хали гаплашиб қўяман у билан...»

— Қодиржон!

Икромжоннинг бу овози унинг хаёлини бўлди. — Холам меймон билан маст ҳолда чиқиб кетди, ҳабар олгин деганларига сени истаб кетаётганим.

— Ким маст экан? Хе, ўша қидирадиганлардан ўлдиму мен.

— Мастда, билмай валдирапти», ўзига тасалли берди Икромжон.

— Боравер, менинг ишим бор, — ақсига олди Қодир. Зўрлаш, қистов ва ялинишлар қор қилмади унга. Сўзидан туриб олди. У тинимсиз сўқинарди.

— Аҳмоқ экансан, — деди жаҳл билан Икромжон.

— Нима?

Қодир унга яқинлашди. Ердан қаққон тош олиб, Икромжоннинг лунжи аралаш солди. У ўзини ўнглаб олгунча кетма-кет бошига тош келиб тушди. Икромжон йилкиб қолди. Энди Қодиржон шёр бўлиб кетганди. У бор кучини ишга солди. Ерга қўзилиб қолган дўстини тўхтовсиз тепкилади. Кейин қаердан-дир қўлида пайдо бўлган сўйил билан бош-қош аралаш тушира кетди.

Эрталаб Икромжоннинг мурдасини ўша жойдан топишди. Қотил эса ўз оёғи билан милицияга борибди...

— Мен ўзим гуноҳқорман, — онанинг жарангдор сўзидан Қодиржон ўзига қолди. — Уни ёлғиз дедим, ўз вақтида қайириб ололмадим. Энди одамлар юзига қандай қарайман.

Она ҳолсизлиниб ўрнига ўтирди. Залда шивир-шивир бошланди. Суд раисаси ўтирганларни тартибга чиқариб, жабрланувчи марҳум Икромжоннинг онасига сўз берди.

Кўзлари ичига синиқлаб кетган, жудодик азоби ва ташвишлардан бир ҳолатга келган яна бир онаизор зўр-базўр ўрнидан турди. Бироқ у титрамас, қалтирмади. Ўзини оғир-вазмин тутади. Еш тўқавериб қовжирган кўзлари билан ўтирганларга термулдди. Сўнг нигоҳини ўғлининг қотилига тикди. Узоқ жим қолди.

— Мана шу қўлларим билан йўрғаклаб, авайлаб, катта қилгандан ўғлимни, — деди она донда-донда сўзлаб. — Унинг онаси ҳам умид билан ўстирганди боласини. Бироқ у она бечора ўғлини тирикликда азасини тутаяпти. Мен эса ўлган фарзандимни. Оқил суд қотилиниг қилмишига яраша жазо беришига ишонман.

Қодир чидаб туролмади. Ёқасидан худди биров бўғиб тургандек эди. У хансирар, нафаси сиқиларди. Ниҳоят ичидан босиб келган аламли нидо ташига чиқди. Ҳўнграб юборди. Суд танаффус эълон қилиб, ҳуки чиқаришга кириб кетди...

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

БУ АЖИБ ДУНЁ

Ўлимдан кутқариб қолди

Бу воқеа Италиянинг Салерно вилоятида содир бўлди. 11 ёшли Альфредо Иоанн болалар билан чала қурилган бинонинг учинчи қаватида ўйнашарди. Бир пайт Альфредо оёғи тойиб юқоридан кулай бошлади. Буни ўз пайтида сезган Альфредонинг Стэлл лақабли ити бола тушади-лаб жойга белини тўғри-лаб, ўрнашиб туриб олди, яъни бечора бола ерга юмшоқроқ тушиши учун. Ҳақиқатан ҳам воқеа ит қўзлагандек яқунланди. Бироқ учинчи қаватдан бола йилкилганда у билан бирга оғир ҳола ҳам қўшилиб тушаётганди. Эсли итни қарангки, бола ерга тушиши билан ўрнидан даст туриб, ходанинг «йўлини» тўсди. Шундай қилиб ит иккала зарбни ҳам ўз бўйнига олди ва болани ўлимдан қутқариб қолди. Ўзи эса анчагина шикастланди.

Қувур тешилган экан

Бельгиялик Жак Лежамбо уйнинг олдида қуйма-ланиб юрганида ер остидан қайтаётган қора суюқликка қўзи тушиб қолади. Бу нефть эди.

Лежамбо хайрон бўлиб нима қиларини билмай турганда шу атрофдан ўтаётган бир киши ерни уй-пуй билан қўшиб сотиб олишини айтиди. Иккалеси баҳосини 400 миң долларга келишига. Бориб нотариусда ҳужжатлаштиришди. Бир кеча-кундуз ўтгач, нефть чиқishi анча қанчалик қолди. Уч соатдан кейин эса ўша ердан ўтган нефть қувури тешилганиги ва тузатилаганиги ҳақида хабар тарқалди.

Қурилловчи «босқинчилар»

Австралияликлар қанчалардир ўз қитъаларига қувун келтирганлар ва кейинчалик уларга қарши узоқ вақт кураш олиб боришга мажбур бўлишган. Энди тарих яна қайтарилмоқда. Лекин бу сафар материкни қурбақалар тўдаси босиб кетди.

Шарққамиш майдонларидаги ҳашаротларга қарши курашиш учун австралиялик фермерлар бир қанча вақт илгари Жанубий Америкадан қурбақалар келтиришган эди. Улар бу ерда яшн телигида қўлайиб кетди ва ҳаммаёни эгаллай бошлади. Оқиллар қуруқликда ҳам, сувда ҳам яшовчи бу жониворлар кўплаб маҳаллий жонотларни сикиб қўётганлигидан, Австралиядаги айрим жонотлар улар дастидан бутунлай қиришиб кетиши мумкинлигини ташвишга тушиб қолдилар ва энди қурбақаларга қарши кураш бошланса не ажаб.

Спортчиларга кўп пул тўланган

Калифорния университетининг мутахассиси Дэвид Янг шу пайтгача ҳеч қандай ўрганмаган ишни ўрганишга бел боғлади ва бунга эришди ҳам. У кўпгина тарихий манбаларнинг қўздан кечириб, қадимда спортчиларнинг «гонор»лари қанча миқдорда бўлганини билишга муваффақ бўлди. Маълум бўлишича, қадимги Римда спорт «юдуз»ларининг бир йилги даромади ҳозирги пул билан ҳисоблаганда 170000 доллар атрофида бўлган экан.

Эркек кишининг гуллаган даври

Америкалик олим, Калифорния технология олий билимгоҳининг ўқитувчиси Карл Андерсоннинг таъкидлашича, эркек кишининг «энг гуллаган даври» — 26 ёш экан. А.Македонский (И.Зулқарнайн) худди шу ёшида жаҳонни забт эта бошлаган. В.Шекспир ўзининг биринчи йирик асарини ёзган, Леонардо де Винчи эса мўйқалам устаси деб тан олинган. У Черчилл парламент аъзоси бўлган.

Муҳаббат ҲАБИЛЛАЕВА тайёрлади.

Заҳарли қўзиқориндан эҳтиёт бўлинг

Ақсари баҳор ва кўз фаслида пишиб етиладиган қўзиқоринларни кўпчилик севиб истеъмол қилади. Лекин уларнинг ичида заҳарлилар ҳам учраб туради. Ана шундай истеъмолга яроқсиз қўзиқоринлар кишилар саломатлигига катта зарар келтиради.

Собик иттифоқ ҳудудида қўзиқоринларнинг юзга яқин истеъмолга яроқли турлари борлиги аниқланган. Қўзиқориндан заҳарланиш аломатлари беморда яширин даврдан кейин юзага чиқади. Эҳтиборли томон шундаки бу аломатлар тўсатдан пайдо бўлиб, тез ўзгаради. Бирламини клиник белгиларнинг юзага чиқишида яширин давр давомийлиги икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳда 0,5-2 соат оралиғида белгиларнинг намоён бўлиши, иккинчи гуруҳда эса 8-24 соат ичида клиник белгилар юзага келади.

Қўзиқоринлар билан заҳарланганда асосан ошқорон шиллик қаватини қўзғатиш оқибатида бирдангина кўнгли айнаши,

қайт қилиш ва ич кетиш билан бошланади. Бундай ҳолда беморлар ўта ҳолсизланиб, қоринда қаттиқ оғриқ бошланиб, совуқ терга тушади. Бундай беморларга ўз вақтида ёрдам кўрсатилса, 2-3 кун оралиғида соғаяди.

Қисқа вақт оралиғида беморда ўта кучли сўлак ажралиши, терлаш, қайт қилиш, ич кетиши, кўз қорачиқларининг торайиши, нафас олиш қийинлашиб, ўпка шиши кузатилади. Бу вақтда беморни даволаш 0,5-1 соат оралиғида олиб борилиши лозим.

Заҳарли қўзиқоринлар беморларда жигар, буйрак, юрак, мушак ва капиллярларни жароҳатлайди. Жигарда углевод, ёғ-оксил алмашинуви издан чиқиб, гликоген синтези ва сафро ажралиши бузилади.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда маълум бўлишича, қўзиқориннинг қайси тури истеъмол қилинганига қараб заҳарланиш белгиси ва кейинги асоратлар (яъни токсик гепатит, жигар қомаси,

гепатоксик, нейротоксик, гематоксик) турлича бўлар экан.

Бу каби ҳолатлар намоён бўлганда зудлик билан шифокор мутахассисга мурожаат қилиб, бемор касалхонага ётқизирилиши керак. Бундай ҳолларда беморга биринчи ёрдам кўрсатиш ҳам мумкин. Беморнинг меъда ва ичкалари чой содаси солинган илик сув ёки марганцовканинг нимталан эритмаси билан ювилади. Умуман олганда заҳарланиш белгилари пайдо бўлган беморларни касалхонага қанчалик тез келтирилиши, касалликнинг олди шунчалик тез олинади.

Профилактика ишларини амалга оширган ҳолда жойларда қўзиқориндан заҳарланиш оқибатларини тушунтириш ҳар бир тиббий ходимнинг бурчидир. Шунга таъкидлаб айтиш лозимки, ўз ҳолида пала-партиш терилган қўзиқоринларни иложи борича истеъмол қилмаган маъқул.

Абдушохид ШОАБСАРОВ, шифокор.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд қўнларни, тўйлар, юбилейлар муносабати билан кўтўловларни, ниҳоқ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларимизда ёрқатади.

Эълонлар шифо ва яқшанбадан ташқари ҳар кўни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-КАВАТ, 204-ХОНА.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мурасимлигига нашр этилган «RESPUBLIKA» газетаси тугатилганига маълум қилинади. Давролар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомиди кўриб чиқилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия бош бошқармаси жамоаси бошқарма «Бюджет бўлими» ходими Абдушукр Абдуллаевга ва унинг оила аъзоларига волида муҳтарамаси

ЖАСИДА аянинг вафоти муносабати билан чўкур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Корхоналарни рўйхатга олиш бошқармаси жамоаси бошқармасининг Юнусобод тумани бўлими бошлиғи Тамара Мадамидовна Ниязматовга падари бузруквори

Мадамин ота АЛЛОНаЗАРОВнинг вафоти муносабати билан чўкур таъзия изҳор этади.

Чилонзор савдо ишлаб чиқариш акционерлик жамияти жамоаси акционерлик жамиятининг раиси

Махсудхон Сайдалиевич МАЖИДОВнинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўкур таъзия изҳор қилади

«Даврон-савдо» хусусий фирмаси жамоаси фирма директори Латифхон Мажиждов Сайдалиевич акаси Махсудхон Сайдалиевич МАЖИДОВнинг бевақт вафоти муносабати билан чўкур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилими:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Наш